



ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*и.ф.д. Исламкулов Алимназар Худжамуратович,
Тошкент молия институту*

ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0001-9479-649X>

Publons Academy ID: <https://publons.com/researcher/4407548/alimnazar-islamkulov/>
<https://www.researchgate.net/profile/Alimnazar-Islamkulov>

Аннотация. Мақолада ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришида маҳаллий бюджетларнинг тутган ўрни, молиявий мустақилликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар. Маҳаллий бюджетлар, молиявий мустақиллик, солиқ тушумлари, орттириб бажарилган солиқ тушумлари.

Кириш. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги босқичида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий кенгашлар ҳудудларни ривожлантириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш ваколатлар тақдим этиш, аҳолининг ташаббусларини тўлиқ инобатга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар маблағларининг муайян миқдорини айна ушбу мақсадларга сарфлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев шундай дейди: «Ислохотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ. Шу мақсадда келгуси йилда ... бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилади ... туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маошини ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгиланган лозим»[1]. Мазкур вазифани ижросини таъминлаш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳудудий ихтисослашувни инобатга олиш, ҳудудларнинг драйвер соҳалари ва ўсиш нуқталари, ҳудудий кадрларини инобатга олган ҳолда ёндашишни тақозо этади. Мазкур жиҳат кўп ҳолатда маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришга таъсирини боҳолашга хизмат қилувчи илмий ишламаларни илмий асослаш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб борган ҳолда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Худудларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишининг муҳим омили, молиявий асосида маҳаллий бюджетлар ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олишга ва уларни давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар билан тўғри таққослаб олишига имкон беради. Шунинг учун ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маҳаллий бюджетга даромадлар тушумининг кўпайишидан ва ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишидан манфаатдор бўладилар. Чунки, худудлардаги иқтисодиётнинг ва маданиятнинг ўсиш суръатлари бевосита маҳаллий хўжалик резервларини сафарбар этишни, маблағларни тежаб-тергаб сарфлашни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлади. Қайд этилган ҳолатлар ўз навбатида, давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилишига имкон беради.

Маҳаллий бюджетлар давлат бюджет тизимининг бўғини бўлиб, жойларда давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий асоси бўлиб хизмат қилади. Маълумки, етарли молиявий база

бўлмаса муайян худудни ривожлантириш имкони ҳам бўлмайди. Бироқ, амалда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ўз маблағлари етишмаслиги натижасида уларда ресурс тақчиллиги вужудга келади, ушбу ҳолат аксарият ҳолларда худуднинг иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, олиб бориладиган солиқ сиёсатининг худудий ишлаб чиқаришни тартибга солишдаги ўрнини ўзида намоён этади. Солиқ сиёсати ўз навбатида мавжуд давлат функция ва вазифаларини маблағ билан таъминлаш учун зарур бўладиган молиявий ресурсларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида солиқ турлари, уларни ундириш ва бюджетга ўз вақтида ўтказилишига эришишни назарда тутлади.

Материал ва метод. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида солиқлар муҳим аҳамият касб этади. Бюджет-солиқ тизими ёрдамида солиқ тўловчиларнинг маблағлари тақсимланади ва қайта тақсимланади. Фикримизча, солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ва аҳолининг давлат бошқаруви органлари орқали беминнат, бевосита қайтариб берилмайдиган қонунда белгилаб қўйилган миқдорлардаги ва муддатлардаги мажбурий тўловлари ҳисобланади. Шу боис, солиқлар маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини белгилаб берувчи асосий

омил бўлиб хизмат қилади.

Илмий изланишлардан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги зарурлигининг учта асосий сабабини ажратиб кўрсатиш мумкин. Хусусан:

Биринчидан, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги ҳудудлар ўртасида рақобат муҳитини яратиш учун ҳам муҳим саналади. Давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий неъматларга мавжуд молиявий ресурсларни тақсимлаш, ушбу хизматларни минимал харажат билан ишлаб чиқаришга эришишни назарда тутди.

Инглиз иқтисодчи олими Бойн фикрича, «рақобат давлат сектори ташкилотларини «тўғри ишларни қилишга» ва «ишларни бажаришга тўғри ёндашишга» мажбур қилади»[2].

Ҳудудлар ўртасидаги рақобат даражасига учта ўзгарувчи таъсир кўрсатади: маъмурий-ҳудудий бирликларнинг тузилиши, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллик даражаси ва марказлаштирилган молиялаштириш кўламига боғлиқ. Маъмурий-ҳудудий бирликлар тузилиши асосан маҳаллий ҳокимият органларининг сони ва уларнинг марказий ҳокимият билан иерархик муносабатларини билдиради;

маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ижтимоий неъматлар билан таъминлашнинг янги ва фарқли усулларини ишлаб чиқишга оид салоҳиятини англатади; марказлаштирилган тартибда молиялаштириш даражаси харажатларни давлат бошқарувининг юқори даражасига ўтказилишини англатади. Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, фикримизча, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги рақобат учун зарурдир.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги муҳимлиги унинг Тибу гипотезаси [3]га билан мувофиқлигидан келиб чиқади. Мазкур гипотезанинг мунозарали жиҳатлари қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган ва илмий асосланган [4]. Мазкур тадқиқотлар натижасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари молиявий мустақилликка эга бўлмаса, бошқа ҳудуд билан рақобатлаша олмайди, бошқа ҳудудий бирликдан фарқли жиҳатларини таққослама таҳлил қилиб, муаммоларини аниқлаши мураккаблашади, пировард натижада Тибу гипотезаси бўйича танлов механизми ишламайди. Шу боис, ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий давлат

хокимияти ва бошқаруви органлари мустақилликни тақдим этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги муҳимлиги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳудудий қадриятларни инобатга олган олган фаолиятни ташкил этиш чораларини кўришни тақозо этади.

Натижа. Иқтисодчи олим Ж.Кирлин тадқиқотларида келтирилишича, «маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг турли йўналишларда қарорлар қабул қилишини ҳудудий қадриятларни инобатга олишини тақозо этади» [5]. Бунинг учун маҳаллий давлат бошқаруви органлари ҳуқуқий-сиёсий, иқтисодий-молиявий жиҳатдан мустақил бўлиши лозим. Фикримизча, мазкур ҳолатда, ҳудуднинг ўсиш нуқталари ва драйвер соҳалари инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

Илмий нуқтаи назардан ёндашилганда, маҳаллий бюджетларга молиявий мустақилликнинг тақдим этилиши бюджетни номарказлаштиришни келтириб чиқаради. Тадқиқотлардан кўринадики, бюджетни номарказлаштириш кўп йиллик илмий тадқиқотлар долзарб мавзуси бўлиб келмоқда. Хусусан, «Маҳаллий ва марказий ҳукумат ўртасидаги муносабатлар XIX асрдан

бошлаб (Англия ва Уэлснинг барча ҳудудлари учун сайланадиган маҳаллий бошқарув модели ўрнатилганлигига қарамасдан) ҳозирги кунгача муаммоли бўлиб келмоқда. 20-аср ўрталарида «анъанавий донолик» тамойили асосида марказ ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларда тарихан «шериклик» моделидан «агентлик» моделига ўтиш тенденцияси кузатилган. «Шериклик» моделида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари Парламент олдида тенглиги ва ихтиёрий ҳуқуқларга эга бўлади. «Агентлик» моделида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари марказий ҳукумат назорати остида миллий сиёсатни амалга оширади ва умуман эркинликка эга бўлмайди. Ушбу тенденция капитал харажатлар устидан назоратнинг кучайиши ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бюджетларининг марказий бюджетлардан ажратиладиган молиявий ёрдамларга боғлиқлигининг кучайиши, шунингдек, марказий идоралар томонидан маҳаллий ҳокимият органлари устидан маъмурий назоратнинг кучайиши билан тавсифланади [6].

Иқтисодчи олим Родс (Rhodes) «назорат ва иерархия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари даражаларининг

ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишдан кўра камроқ аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди [7]. Унинг фикрича, муносабатлар мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, ҳар бир даража «сиёсий ресурсларни ҳокимиятни музокара қилиш учун ўзгартирадиган плюралистик ташкилотлар»дан иборат.

Индонезия «2001 йилнинг январдан бошлаб номарказлаштиришнинг йирик дастурини амалга оширмоқда. 22/1999-сон ва 25/1999-сон «Маъмурият ва фискал баланс тўғрисида»ги янги қонунлар билан жорий этилиб, сиёсий ҳокимиятни марказий ҳукуматдан самарали тарзда узоқлаштирди ва умуман давлат бошқаруви табиатини, марказ ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартирди. Айниқса, тезкор хусусияти туфайли "катта номарказлаштириш" деб таърифланган дастур турли соҳаларда тез ва туб ўзгаришларга олиб келди. Ушбу ҳокимиятнинг қуйи бўғинларга сезиларли даражада ўтказилишига олиб келди, давлат хизматлари учун масъулиятнинг катта қисми маҳаллий ҳокимият бўлинмаларига ўтказилди» [8].

Хулоса. Замонавий шароитда маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантириш ва ундан самарали

фойдаланишга оид тадқиқотлар маҳаллий иқтисодчи олим А.Исламкулов томонидан атрофлича ўрганиб келинмоқда. Илгари сурилаётган гоё маҳаллий бюджетларга даромадларни оширилиб бажарилган қисмидан потенциал солиқ тўловчиларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларга йўналтирилишига эришишдир [9].

Шунингдек, турли даражадаги бюджетлар ўртасида солиқларни тақсимлаш масалалари ҳам кенг қамровли ўрганилган бўлиб, пировард натижада маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигига эришиш назарда тутилган [10].

Ривожланган унитар давлатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри бюджетларининг даромад ва харажатлари мувозанатлашган бўлиши зарур. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри бюджетлари дефицитига йўл қўйилмайди.

Илмий изланишда ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилганда, сўнги йилларда аксарият мамлакатларда бюджетни номарказлаштириш жараёни кенг қўлланилмоқда. Бюджетнинг номарказлашиши шароитида қуйи турувчи бюджетларга нисбатан чекловларни қайта

кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Таҳлиллارнинг кўрсатишича, куйи турувчи бюджетлардаги номутаносибликни барҳам бериш мақсадида Худудларни ривожлантиришни молиявий кўллаб-қувватлаш фондлари ташкил этилган. Шундан келиб чиқиб, республикада

маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларининг режадан ортиқча тушумларини фоиз кўринишида маблағ ўтказган ҳолда, Молия вазирлиги ҳудудида "Худудларни ривожлантиришни молиявий кўллаб-қувватлаш фонд"ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Boyne, G. A. (1998). Public choice theory and local government. Macmillan, Basingstoke.
3. Charles M. Tiebout, "A Pure Theory of Local Expenditures," Journal of Political Economy 64, no. 5 (Oct., 1956): 416-424.
4. Hudson, C., & Lane, J. E. (1984). Review of Sharpe, L. & Newton, K.: Does Politics Matter? The Determinants of Public Policy. Oxford: Clarendon Press, 1984. Scandinavian Political Studies
5. Lowery, D., Lyons, W.E., De Hoog, R.H., Teske, P., Schneider, M., Mintrom, M., & Best, S. (1995). The empirical evidence for citizen information and a local market for public goods. American Political Science Review, 89(3), 705-709.
6. Keith Dowding, Peter John, and Stephen Biggs Tiebout: A Survey of the Empirical Literature View // Urban Studies, Volume 31, Issue 4-5. <https://doi.org/10.1080/00420989420080671>
7. Rhodes, P. J. (2013). The organization of Athenian public finance. Greece & Rome, 60(2), 203-231.
8. Исламкулов А.Х. Бюджетлараро мутаносиблигини таъминлашга замонавий назарий ёндашувлар. IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR, Vol. 4, 2021. <https://ifmr.uz/journals/13>
9. Noore Alam Siddiquee, Dian Nastiti And Nur Ana Sejati Regional Autonomy and Local Resource Mobilization in Eastern Indonesia: Problems and Pitfalls of Fiscal Decentralization. Asian Affairs: An American Review, January-March 2012, Vol. 39, No. 1. (January-March 2012). – Pp.44-68. <http://www.jstor.com/stable/23526586>
10. Stephen Bailey and Mark Elliott Taking Local Government Seriously: Democracy, Autonomy and the Constitution. The Cambridge Law Journal, Jul., 2009, Vol. 68, No. 2 (Jul., 2009). – Pp. 436-472. <https://www.jstor.org/stable/40388810>
11. Teske P., Schneider M., Mintrom M., & Best S. (1993). Establishing the micro foundations of a macro theory: Information, movers, and the competitive local market for public goods. American political science review, 87(3), 702-713.
12. Kirlin, J. J. (1996). What government must do well: creating value for society. Journal of Public Administration Research and Theory, 6(1). – Pp.161-185.



13. Alimnazar Islamkulov Revenues of the local budgets in Uzbekistan // Social and Economic Aspects of Education in Modern Society: IV International Scientific and Practical Conference, 2018. – Pp.37-45